

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (13.658)

Баҳоси эркин нарҳда

БАРЧА ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРЛАР БИР МАҚСАД – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШИ ЛОЗИМ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30 март куни Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Жиззах вилояти қадимдан шарқ ва ғарби боғловчи Буюк Ипак йўлининг муҳим қўналғаларидан бири бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳудуднинг юртимиз тарққибётганда ўрни ва аҳамияти янада орди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар туфайли ҳудуднинг қулай жўроғий ва транспорт-коммуникация имкониятларидан, ер ости ва ер усти бойликлари, умуман иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 28 апрель куни вилоятга ташрифи чоғида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишган, аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари яратиш бўйича мутаассадларга тегишли топшириқлар берган эди. Ўтган вақт давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари тамал тоши қўйиб берган Зафаробод туманидаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида катта воқеа бўлди. Айни пайтда лойиҳа қиймати 2,2 миллиард АҚШ доллари бўлган корхонани бунёд этиш ишлари юқори суръатларда давом этмоқда. "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида хорижий инвестициялар иштирокида бунёд этилаётган "Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive" заводи, яқинда ишга туширилган ишлаш маҳсулотини ишлаб чиқариладиган "Ming Yuan Sily Industry" масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхона, Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган "SILK EXPERT processing" ипак еттиштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади. Худудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли бундай йирик лойиҳалар олис туманларда ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Форш туманининг Эғизбулоқ қишлоғида Буюк Британиянинг "Leigh Barrier LLP" компанияси билан ҳамкорликда "Mega invest industrial" МЧЖ шаклидаги комозит арматуралар ишлаб чиқариш заводи, Фаллаорол туманидаги "Marjon global" доривор гиёҳлари қайта ишлаш, Зомин туманида "Зомин-фарм" эркин иқтисодий зонаси таркибидagi корхоналар вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз бу галги ташрифи давомида вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган катор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аввалги ташрифда берилган топшириқлар ижроси, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Зарбдор туманидаги "Zarbdor textile" масъулияти чекланган жамиятига бўлди. Жорий йил апрель ойида ишга туширилиши режалаштирилган корхонада 17,5 миллион долларлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Корхонада йилга 31 миллион квадрат метр мато ҳамда 6,5 миллион донна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхона ўз фаолиятини бошлаш билан 864 иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш эвазига жорий йил учинчи чорага яна 196 нафар хотин-қиз иш билан таъминланади.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда еттиштирилган пахта ўзинида тўлиқ қайта ишлангани қўшма қийматли маҳсулот тайёрлаш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш имконини беришини таъкидлади.

Шу ерда Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинатининг бўш турган бинолари негизда замонавий тўқимачилик мажмуаси барпо этиш, "Жиззах", "Зомин-фарм" эркин иқтисодий зоналарида 2018-2019 йиллар учун режалаштирилган инвестиция, шунингдек, вилоятда енгил санаят ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимида бўлди.

Кўртимизда хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, жамоат тартибининг, аҳоли тинчлиги ва оёқсайтилигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Буни профилактика, тежоркорлик, тергов, йўл ҳарақати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқчилик, патруль-пост хизматлари, сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилаётгани, ички ишлар органларининг моддий-техник базаси мунтазам мустаҳкамлаб борилаётгани ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз 2017 йил 17 август куни ички ишлар идоралари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Жиззах шаҳрида "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасини татбиқ этиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқ ижроси бўйича Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимида "Хавфсиз шаҳар" бошқарув ситуацион маркази ташкил этилди. Марказ йўл ҳарақати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқчилик, патруль-пост хизмати ва бошқа тармоқларни геоинформацион тизим орқали бошқаради. Бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган видеокузатув ускуналари, замонавий сигнал узатиш техникаси бунда қўл келади. Бу жиноят ва ҳўқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш, уларни тез фўрсатларда фўш этишда муҳим аҳамиятга эга.

– Бу каби видеокузатув мосламаларини шаҳардаги профилактика инспекторлари хонаси, мактабга таълим муассасалари ва мактаблар атрофида ҳам ўрнатиш керак, – деди Президент. – Шунда ўқитувчи ва ўқувчиларда ҳам масъулият янада ошади.

Бўлимга икки қаватли биноларда жойлашган бўлиб, бу ерда "Заргарлик" маҳалла фўқаролар йиғини, маҳалла посбони, профилактика инспектори хоналари ўрин олган.

Шавкат Мирзиёев маҳалла раиси ва профилактика инспектори билан аҳоли фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оила-ларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш масаласида сўхбатлашди.

Давлатимиз раҳбарига ички ишлар бўлими томонидан ишлаб чиқилган мобил дастур ҳақида маълумот берилди. "Jizzax IIV" мобил дастури аҳоли учун бепул бўлиб, фўқароларнинг мобил телефонига юкланади. Ушбу дастур орқали фўқаролар қидирувда бўлган ва бедарак кетган шахслар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши, профилактика инспектори фаолиятига оид маълумотларни олиши мумкин.

Ходимларга тезкор ахборот етказиш мақсадида вилоятдаги уяли алоқа компанияси билан ҳамкорликда 2 мингдан ортик телефон рақами тарқатилган. Мазкур қўламли орқали тезкор ахборот етказиш имкони яратилмоқда. Яъни, навбатчилик қисмида мавжуд бўлган планшети орқали қўлиқ содир бўлган жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари, эслатма ва янгиликлар ходимларга тезкорлик билан етказилади.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутаассадларга ушбу тизимни янада такомиллаштириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Шу ерда Президентимиз бир гуруҳ нуронийлар билан учрашди, самимий ва очик руҳда ўтган сўхбатда мамлакатимиз ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳақида сўз юритилди.

Кейинги манзил Жиззах шаҳар Мустақиллик кўчасида барпо этилаётган кўп қаватли арзон уй-жойлар бўлди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан барпо этилаётган мазкур уй-жойлар аҳолининг кенг қатлами учун замонавий уйлардан фойдаланиш даражасини тубдан ошириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бундай замонавий уйлар юртимиз кўрғига кўра қўйиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш билан бирга, одамларда давлатга, эртанги кўнга ишонч туғишини янада мустаҳкамламоқда.

Жиззах шаҳрида қурилаётган уй-жойларни жорий йил сентябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 7 қаватли, 420 хонадонга мўлжалланган уйлар 2 ва 3 хонали. Шаҳар кўрғига кўра қўйишга ушбу 10 та уй уй-жойга мўҳтож аҳолини босқинчабосқин замонавий уйлар билан таъминлаш имконини беради.

Президентимиз янги қурилаётган уй-жойлар лойиҳалари билан танишди.

Шу ерда вилоятда олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шароф Рашидов туманидаги Утепа шаҳарчасида кўп қаватли турар жой биноларининг жойлашув лойиҳаси, мазкур тумандаги "Тоқчилик" ҚФЙ ҳудудида барпо этилаётган замонавий 3-4 қаватли арзон уй-жойлар массиви лойиҳаларида аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олинган бўлиб, қурилиш ишлари босқинчабосқин амалга оширилади.

Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги Ислам Каримов кўчаси бўйлаб қуриладиган инфратузилма объектлари, кўп қаватли турар жойлар, Сайлжойи маҳалласи ҳудудидаги 37-мактабга таълим муассасаси биносини қайта таъмирлаш каби қатор истиқболли лойиҳалар тақдим этилди.

– Жиззах шаҳрида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Шунинг учун бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш керак, – деди давлатимиз раҳбари. – Ана шунда қурилаётган биноларнинг нархи арзон тушади.

Президентимиз вилоятда ичимлик суви тизимини ривожлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича барча манбаларни ишга солиш бўйича мутаассадларга кўрсатмалар берди.

Жиззах вилояти кўп қаватли уй-жой фондини таъминлаш дастурига асосан, 2017 йилда 345 та кўп қаватли уй-жой таъмирланган. Бу ишларни амалга оширишда тижорат банклари томонидан 16,3 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилган. 2018 йилда 409 та кўп қаватли уй-жой ва уларнинг атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадларга 59,6 миллиард сўм маблағ жалб этилади.

Шавкат Мирзиёев лойиҳалар билан батафсил танишди. Мутаассадларга ажратиладиган маблағлар, қурилиш ишларини якунига етказиш муддатини назорат қилишни топширди.

Президентимиз Дўстлик туманидаги Манас қишлоғига ташриф буюрди.

"Манас" қишлоқ фўқаролар йиғинида Жиззах вилоятда қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари терини қайта ишлаш, агросаноат мажмуаси ва озик-овқат кластери барпо этиш, туя сути билан даволайдиган клиника ташкил қилиш борасидаги тақлифларга алоҳида эътибор қаратди. Аҳолининг томорқа ҳўжалиқларидан самарали фойдаланишига кўмаклашиш, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларига

бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича консалтинг хизмати кўрсатиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

"Обод қишлоқ" дастурининг амалга оширилиши чекка ҳудудларда яшаётган миллионлаб юртдошларимиз ҳаётини яхшилашга, уларга муносиб турмуш тарзи яратишга қаратилган долзарб вазифа экани таъкидланди. Манас қишлоғи мамлакатимизда бошланган "Обод қишлоқ" дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолди.

Ўтган асрнинг 60-йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғида бугунги кўнгда 6,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Кейинги йилларда инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, иссиқлик, электр энергияси таъминоти, маданий-مائий хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермаслиги натижасида одамлар анча қийналаётган эди.

"Обод қишлоқ" дастури асосида бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа муддатда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида сизот сувлари сатхи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилиди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандирхоналар қурилди. Меваги ва 10 минг тўлдан зиёд манзарали даракт қўчатлари ўтказилди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида "Сувобор" давлат унитар корхонаси жамоаси томонидан 6,5 километрлик сув қувури ётказилди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирланган чикарилди. 2 умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устaxonаси барпо этилиб, дурадогорлик, чилангарлик, тикувчилик дастурхоналари билан таъминланди. 17 болалар майдончаси, 2 мин футбол майдони, 250 ўринли стадион барпо этилди.

"Обод қишлоқ" дастурини амалга ошириш бошлангандан бўён қишлоқда 200 дан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, "Жиззахпахтасаноат" акциядорлик жамиятининг 100 ўринли, "Заминтекст" масъулияти чекланган жамиятининг 20 ўринли тикувчилик цехлари қурилиб, қишлоқ хотин-қизларидан 120 нафари ишга жойлаштирилди.

30 иссиқхона, кўп қаватли уйларда яшовчи фўқароларнинг молларини боқиш учун 100 бошга мўлжалланган замонавий ферма қурилди. Ветеринария пункти ишга туширилди. Замонавий қўриқчилик 31 савдо дўкони, нововийона, ҳаммом барпо этилди. 500 ўринли "Манас" маданий саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-مائий масканга айлантирилди. Қишлоқ врачлик пунктга реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника ташкил этилди.

Президентимиз мазкур поликлиникадаги шароитларни кўздан кечирди.

– Жойларда замонавий тиббиёт муассасалари барпо этаётганимиз яхши, албатта. Эндиги талаб ушбу муассасаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишдан иборат бўлиши керак, – деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев қишлоқда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси ташаббуси билан барпо этилган нововийона бинори бориб кўрди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган нововийонада кўнгда 30 турдаги 2 минг донга қопилили нон тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқдаги 125 ўринли "Айнурек" мактабга таълим муассасасида ҳам бўлди. Жанубий Корея стандарти асосида барпо этилган ва жиҳозланган муассасада болаларнинг илгор хорижий тажрибалар асосида дастлабки билим ва кўникмаларини шакллантириш учун барча қўламлиқлар яратилган.

"Манас" маданий саройида халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ва туман ҳўкимлари иштирокчида ўтган йиғилишда туманлар билан видео-конференция орқали мулоқот қилиниб, аҳолини ўйлантриётган масалаларга ечим топилди.

Янги санаят корхоналари ташкил этиш, қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар ташкил этиш, экспортбош экинлар экиш, тоғолди ҳудудларда доривор ўсимликлар еттиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан анчик чора-тадбирлар белгиланди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Жиззах вилояти ҳўким вазифасини бажарувчи лавозимиди ишлаб келаётган Эргаш Салиев Жиззах вилояти ҳўкимини этиб тайинланди.

**Абу Бакр ҲУРОЗОВ,
Матназар ЭЛМУРДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ҲА махсус муҳбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ОРГАНЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш соҳасидаги ишларни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш, мазкур йўналишда давлат органлари ва бошқа муассасалар фаолиятини тартибга солишнинг ҳўқуқий асослари белгиланди.

Шу билан бирга, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини ҳамда ушбу соҳада давлат-хўсуслий шериклини ташкил этишда энг мақбул амалиётларни қўллаш механизмларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи тизимли камчиликлар мавжуд.

Ваколатли органларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш, регуляторлик ва назорат қилиш вазифалари тизимининг эскирганлиги туфайли миллий аккредитация тизими хорижий бозорлардаги рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олмайти, бу эса талаб юқори бўлган товарлар, ишлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга таъсир қилмоқда.

Мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар, ишлар (хизматлар) ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш, мамлакат истеъмол бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳўйма қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг:

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ОЛИЙ ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Авал хабар қилинганидек, 2018 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитдилар. Бошқарув раиси М.Нурмуратов ўз ҳисоботида пул-кредит сивсати кучли инфляция босими сақланиб турган ҳамда иқтисодиётда тарқийб ўзгаришлари фўл босқичга ўтган, шу жумладан, валюта сивсати ва ташқи савдо фаолияти эркинлаштирилган бир шароитда олиб борилганини қайд этди. Шу сабабли асосий эътибор пул-кредит сивсати воситаларидан самарали фойдаланишга қаратилди.

Марказий банк тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлик даражасига қўйилган талабларни қўлайитириш ҳамда 2017 йил июнь ойида қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизга кўтарди. Шу билан бирга, кредитлаш ҳажмлари тез суръатларда ўсиши натижасида ликвидликнинг тақчиллиги йўл қўймаслик учун 2017 йилнинг иккинчи ярмида тижорат банкларига қайта молиялаштириш кредитларини бериш механизмлари жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сивсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижро этиш асосида 2017 йил сентябрдан бошлаб миллий валюта айирбошлаш курсини аниқлашнинг бозор механизми жорий этилди, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун валюта маблағларини сотиш, сотиб олиш ва тасарруф этишга қўйилган чекловлар олиб ташланди. 2017 йилда тижорат банкларининг жами капиталли 2,3 баравар орди ва 20,7 триллион сўмга етди. Капиталнинг етарлилик кўрсаткичи 18,8 фоизга ошди, бу эса халқаро нормалардан 1,8 баравар ордиқдор. Тижорат банкларининг жалб қилинган депозитлари умумий ҳажми 1,6 баравар орди ва 58,7 триллион сўмни ташкил этди. Банклар активларининг умумий ҳажми 2,1 баравар қўлайиди ва 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра 166,6 триллион сўмни ташкил этди.

Банклар фўл кредит сивсатини амалга оширишни давом эттириши натижасида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг жами ҳажми 2,1 баравар орди ва 110,6 триллион сўмни ташкил этди. Хўсуслик тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 16,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу эса 2016 йилга нисбатан 1,3 баравар кўпроқдор.

Кичик бизнес ва хўсуслий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 19,6 триллион сўмлик кредитлар, шу жумладан, 4 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жумладан, аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожланишини рағбатлантириш мақсадида 2,8 триллион сўмлик, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,6 триллион сўмлик ҳамда оилавий тадбиркорлик ва ҳўнармандчиликни ривожлантириш учун 490,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI asrda
Барча маблардан олминг сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қаршили Бухоро вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида мuddатли ҳарбий хизматга қақрилган аскарлар ҳарбий қасамд қабул қилди.

● Термизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий асоқсиацияси Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлиминининг 2015-2017 йилларда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилоятининг Ургут туманида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди. Тадбир доирасида Олий суд томонидан нашр этилган "Иқтисодий судларга мурожаат қилиш тартиби" номли амалий қўлланма тақдироти ҳам ўтказилди. Шунингдек, туманда Олий суд судьялари ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари, мутаассадди идоралар масъул ходимлари иштирокида сайёр қабуллар уюштирилиб, тадбиркорларнинг суд-ҳўқуқ соҳасидаги муаммолари эшитилди, уларни ҳал этиш чоралари қўрилди.

● Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги Файзобод маҳалласида 60 ўринли "Angels" ҳамда Кўхунор маҳалласида 50 ўринли "Qalb pur kids" нодавлат мактабга таълим муассасалари фойдаланишга топширилди. Муассасалар юмшоқ ва қаттиқ мебеллар жамланмаси, махсус қаравотлар, мусика асоблари,

турли ўйинчоқ ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ҳовлида болалар ўйин майдончаси, мўъжаз бог барпо этилган. Жамоа малакали тарбиячи ва шифокорлардан иборат.

ЖАҲОНДА

● Японияда машҳур "Toyota" компаниясининг 70 йиллигига бағишлаб Кью номли баскетболчи робот яратилиб, унинг икки профессионал баскетбол устаси билан мусобақаси ташкил этилди. Ушбу гайритабиий баҳсда катта устунлик билан голлиб чиққан роботнинг бўйи 190 сантиметрли ташкил этиб, у 200 мингдан ортик турли машқларни бажариш имкониятига эга.

● Англия пойтахти Лондон шаҳрида экологик тоза таксилар қатнови йўлга қўйилди. Экологик тоза двига теллар билан жиҳозланган электр

таксилар 2021 йилга бориб 9 мингтадан ошади ва бу кўрсаткич бўйича бизни ташкил этгани 50 фоиздан ортик бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, бундай таксиларнинг иқтисодий томондан ҳам фойдаси бор.

● Теннис бўйича жаҳондаги тўртта энг нуфузли турнирдан биттаси – Франция очик чемпионати (Roland Garros)нинг ютуқлар жамғармаси 2018 йилда 10 фоизга оширилиб, 39,2 миллион еврони ташкил этиши ҳақида маълум қилинди. Ушбу "Катта дубулга" туркумига оид йирик мусобақанинг яққалик баҳсларида зафар қўчган эркак ва аёл теннисчига 2,2 миллион евродан берилади. Бу

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ ОРГАНЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертифици...

Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертифици...

мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха...

Марказнинг фаолият соҳаси товарлар ва хизматларни ба...

қўрсатилаётган хизматлардан, Марказнинг бўш маблаг...

Марказ директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон...

Марказ директориغا зарурат бўлганда, бошқарув ходим...

Белгилаб қўйилсинки, Хизматчиларнинг асосий лавозим...

6. Марказ 2021 йилнинг 1 апрелига бўлган муддатда бел...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха...

Марказ Уставини тасдиқласин ва белгиланган тартибда...

дан ўтказиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ зарур чора-тад...

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марк...

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муноса...

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва...

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха...

12. Марказ Тошкент шаҳри, Ислоом Каримов кўчаси, 1-ўйда...

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха...

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 30 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АҲБОРОТ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шaroитларини яхшилаш мақса...

2017 йилда банк тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар...

Сенаторлар ҳисобот муҳокамаи давомида Ўзбекистон Республикаси...

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 23 мартдаги...

Муҳокама аяқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Ма...

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Ма...

тиш йўлида бир қатор тадбирлар ўтказилаётганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги...

Қонун ҳужжатларини тезлик билан тарқатиш мақсадида...

Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сон 20 миллионга...

Ҳуқуқий тарғибот соҳасида фойдаланувчиларнинг фаоллигини...

Қўнлик, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳоли интернетдан фойдалана...

ни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан қисқа вақт ичида кодекслар...

Мамлакатимизга инвестициялар киритиш эҳтимоли бўлган сармоядорларни...

2017 йилда давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифатта...

Бирок Идоралараро кенгашининг бу йўналишдаги фаолиятида қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, давлат органлари томонидан ҳуқуқий тарғибот соҳасида ўтказилган тадбирлар таҳлил қилинмайдиган, давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишлари устидан таъсирли назорат ўрнатилмаган, тадбирлар эскирган форматда...

Ахборот муҳокамаи давомида сенаторлар Адлия вазирлигининг ушбу соҳадаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан тақлифлар ва тавсиялар бердилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тарғибот соҳасида қилинишини қўриб қидирдилар.

Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, халқимизнинг узоқ йиллик қадратлари ва аъёналарининг ўзидан акс эттиради.

Бирок кейинги пайтларда оилавий тадбирларнинг ўтказишда шухратрастлик, ўзини кўз-қўли қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳолини инобатга олмастик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарининг менсимаслиги каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Оилавий тадбирлар билан боғлиқ жуда катта ортиқча сарф-харajatлар оилаларнинг нафақат ижтимоий аҳолига, балки бутун хайъига, қолар-верга, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳита салбий таъсир қўрсатишда. Таҳлилларга қараганда, ёш оилалар ўртасидаги ақсарият ақсариятлар тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган жоғалар оқибатида юз бермоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ОАВ орқали Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Нуроний" жамагармаси фаолларининг мувожазати эълон қилинди. Унда давлат, нодавлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик сый-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолда бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга чақирилди.

Сенатда "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тарғибот соҳасида" қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жорий йилнинг 5-25 март кунлари кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Бу даврда телерадиоканаллар ва даврий босма нашрларда юзга яқин материаллар эълон қилинди. Еттакчи интернет нашрлари ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган материаллар 1,6 миллион маротаба ўқилди. Кенг умумхалқ муҳокамалари жараёнида фаол иштирок этган 400 миңдан ортиқ фуқаро қарорни янада такомиллаштириш бўйича қўлаб тақлиф ва фикрларни билдирди.

Оилавий тадбирларни тарғибот соҳасида жамият учун ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги боис, аҳоли томонидан билдирилган тақлиф ва фикрларни инобатга олиб, мазкур масалани тарғибот соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мукамал ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тарғибот соҳасида" қарорни қабул қилди.

Ушбу қарор билан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тарғибот соҳасида оид жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тuzилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари эди ушбу масаланинг ОАВ, шу жумладан, интернет нашрларида фаол муҳокама қилинишини ташкил этиш, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида оилавий тадбирларнинг ўтказиш борасида шаклланган ўзига хос урф-одат ва аъёналарнинг аҳоли иштирокида чўқур ўрганиб чиқилган иборат деб белгиланди. Ишчи гуруҳга муҳокамалар яқини бўйича асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш ва лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига қўриб чиқиш ун тақдим этиш топширилди.

Шунингдек, қарор билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Республика Хотинлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларига тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тарғибот соҳасида боғлиқ масалаларни чўқур ўрганиб, ишчи гуруҳга асосланган тақлиф киритиш топширилди.

Бундан ташқари, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази аҳоли кенг қатламлари ўртасида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш бўйича ижтимоий сўров ўтказиб, ишчи гуруҳга умумлашган таҳлилий маълумот тақдим этиши топширилди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани қўриб қидирдилар.

Янги мажлисда Олий Мажлиси Сенати ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Ўн тўртинчи ялпи мажлис давомида 20 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишловларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўлаб-қувватлаш йўлида амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишига қаратилган 13 та қонун қўриб чиқилди. Таъкидланганидек, сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг, мамлакатимиз тевағарига хавфсизлик муҳитини яратилиши, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари қамолатларини янада мустақамлаштириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликни таъминлашнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини аяқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ЯНГИ КОДЕКС ТАДБИРКОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАЙДИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб, самарали фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони ортиб бораётгани сабабли Президентимиз ташаббуси билан ҳўжалик судлари ўрнида иқтисодий судлар ташкил этилди ва унинг доираси кенгайтирилди.

Бу ўзгаришлар Иқтисодий процессуал кодексни қабул қилиш заруратини юзга келтирди. 2018 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун билан янги кодекс тасдиқланди. 5 бўлим, 37 боб ва 347 моддадан иборат мазкур кодекс жорий йилнинг 1 апрелидан қўлга кирди.

Кодекс билан иқтисодий судларда ишларни юришти тартиби такомиллаштирилди. Соҳага оид қонунчилик ва амалиётдаги айрим камчиликлар бартараф этилди. Асосийси, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли Ҳимоя қилиш механизми такомиллаштирилди. Бу эса тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Кодексда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенг фойдаланишга оид норма белгиланди. Эндиликда суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этиш янада кенгайтирилди. Бундай замонавий услубнинг кенг жорий этилиши суд мажлислари тўлиқ қонун талаблари асосида ўтишини таъминлайди. Суд мажлиси ёзилган аудио ёки видеоёзув билан унда қатнашган шахсларни таништириш имконияти берилмоқда.

Ҳозирги кунда туман ва шаҳар иқтисодий судлари фаолият қўрсатмоқда. Вилоят даражасидаги иқтисодий судларда тажрибали судьялар ишлабди. Шунинг учун мураккаб тоифадаги ишларни ҳал қилиш механизми такомиллаштириш мақсадида айрим низооларни ҳал этиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига ўтказилди.

Низооларнинг тезкор қўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судловлиқнинг умумий қондалари ўзгартирилди. Янги юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво аризалари судга уларнинг рўйхатга олинган жойи бўйича берилди.

Маълумки, юридик шахслар рўйхатдан ўтмаган жойида ҳам, жумладан, турли жойларда фаолият юритиши мумкин. Ҳозирги кунда ишлар юридик шахс жойлашган жойда қўрилади. Айтиб ўтилганидек, улар турли жойларда фаолият юритадиган бўлса, ишни қўришда қатор қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу борада аниқлик киритилгани, яъни қорхона ёки ташкилотга оид даъво аризалари улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши суд учун шу субъектдан турли ҳужжатларни олиш, суд иши билан боғлиқ бошқа жараёнларни олиб боришда қулайлик яратади. Шу билан бирга, бу суд ҳужжатини ижро этиш жараёни ҳам бирмунча енгиллаштирилади.

Суд иш юритишга турли соҳаларга оид ишлар келиб тушади. Ҳар соҳанинг, хусусан, судда қўриб чиқилаётган ҳар бир ишнинг ўзига хос томонлари бўлади. Уларга аниқлик киритиш мақсадида айрим ҳолларда экспертиза хулосаси талаб қилинади. Бу эса вақт, маблағ талаб этадиган жараёндир. Айрим низооларни ҳал қилишда эса мутахассиснинг маслаҳати етарли ҳисобланади. Шунинг учун бу борада қулайлик яратиш, суд ишининг белгиланган муддатда қўриб чиқилишини таъминлаш учун иқтисодий суд иш юритишнинг иштирокчилари рўйхатига мутахассис киритилди.

Ўз соҳасини яқини билган мутахассисдан ишга алоқадор масалаларда маълумот олишнинг ўзбек масаласига оидлиги киритади. Бу мутахассис оид судловни амалга оширишга қўмақлашувчи шахс сифатида судга қатнашади.

Кодексга асосан апелляция ва кассация инстанцияси судларининг иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш тартиби жорий этилмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, энди апелляция ва кассация инстанцияси судлари келиб тушган ишни аввалгидек қўйи судларга қайтармайди. Ишни ўзи қўриб чиқиб, узил-кесил нукта қўяди.

Шунингдек, назорат инстанциясида иш юритишнинг белгиланган нормалар тубдан қайта қўриб чиқилди. Энди назорат инстанциясида ишлар нафақат Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг протести, балки назорат шикоятга асосида ҳам қўриб чиқилади. Бу суд иш юритиш иштирокчиларининг юқори инстанцияга мувожазат қилиш ҳуқуқини кенгайтириб, оид судловга эришиш даражасини оширади.

Кодексда шартномавий (иқтиёрий) вакилларнинг рўйхати ҳам келтирилди. Судда вакил сифатида иш юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шугулланиши мумкин. Бу жамиятда адвокатларнинг ўрни ва роли ошишига ҳам хизмат қилади.

Коммунал тўловлар юзасидан қарздорликни ундириш бўйича ҳам ўзгаришлар киритилди. Бунда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар билдирилганда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши зарурлиги белгиланди. Бу қардорлик асосида ва нотўғри ҳисобланшининг олдини олади ва, ўз навбатида, истеъмолчилар ҳуқуқларини Ҳимоя қилишга қўмақлашади.

Кодексга низооларни тарафларни ўзаро келиштириш асосида ҳал қилишга бағишланган келишув битими оид янги боб ҳам киритилди. Низооларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қаратилган бундай меъёр аввал қонунчиликда кенг акс эттирилмаган эди. Эндиликда келишув тушунчаси, уни қандай ҳолларда тузиш мумкинлиги битта бобга қамраб олиниб, кенгрок тушунтириб берилди.

Муҳтасар айтганда, Иқтисодий процессуал кодекснинг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини қонун даражасида мустақамлашга, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ишончли Ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Илҳомжон РАЖАБОВ, Тошкент туманлараро иқтисодий суди раиси вазифасини бажарувчи ҲАД

ШАҲРИМИЗ МАРКАЗИДА ГЎЗАЛ БОҒ БАРПО ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда сўнги йилларда мисли кўрилмаган кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги иншоотлар, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, боғлар, хибонлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда ва бунёдкорлик ишлари янада изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Олмазор туманидаги Қичқирик қанали қирғоғида 15 гектарлик жойда маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши ҳам режага кирган бўлиб, бугунги кунда ушбу ҳудудда кенг камровли қурилиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётган.

Юртбошимиз жорий йилнинг 9 февралда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлганларида Олмазор туманидаги Қичқирик қанали бўйига ташриф буюришди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда қурилиш борасида бир қанча кўрсатмалар бериб, ҳудудда аҳолининг дам олиши учун қулай шароитларни яратиш мақсадида Нурунийлар маскани чойхонаси, аския маркази, поли-

клиника барпо этиш, жумладан, Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар ташкил этиш ва икки улуг адибнинг ижодини ёшларга муфассал ўргатиш зарурлиги ҳамда пойтахт кутубхоналари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлаб ўтган эдилар.

Биз Қичқирик қанали бўйидаги қурилиш ишлари билан танишар эканмиз, ушбу жараён қизғин паллага кирганлиги яна бир бор амин бўлдик.

— Бу ерда кўркам ва сўлим боғнинг ташкил этилиши нафақат маҳалламиз ахли, балки шаҳримиз ва туманимиз аҳолиси учун қувончли воқеа бўлди, — дейди “Қичқирик” маҳалласининг хотин-қизлар кўмитаси раиси Саломат Абдуллаева биз билан суҳбатда. — Маҳалламиз ахли асосан кўп миллатли

бўлиб, баланд қаватли уйларида яшаётган. Маҳаллада 22 та кўп қаватли уй мавжуд, олти қаватли яна бир янги уй фойдаланишга топширилиши арафасида. Қичқирик қанали бўйида маданият ва истироҳат боғининг бунёд этилиши халқнинг дилидаги иш бўлди. Айниқса болалар учун спорт майдончалари ва замонавий аттракционларнинг барпо этилиши келажак авлоднинг шод-бахтиёр ва спортга ошно ҳолда ўсишига имкон яратади. Ўзги ва қишки кинотеатрларнинг бунёд қилиниши эса аҳолининг кўнгли ва мароқли дам олишини таъминлаб беради.

Айни дамда Қичқирик қанали бўйида “Паркент сувқурилиш” қурилиш корхонаси ҳамда “Олтин диёр” масъулияти чекланган жамияти томонидан 2 та кутубхона биноси

ҳамда “Нурунийлар” маскани қурилиб битказилди ва ички қисмлардаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Боғнинг йўлакларига брусчаткалар терилмоқда. Шунингдек, болалар чўмилиш ҳавзаси, амфитеатр сахнаси ва 4 та болалар спорт майдончаларининг қурилиш ишлари бошлаб юборилган ҳамда аттракцион ва ўйин қурилмаларининг жойлари тайёрланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Тошкентда шайх азимдаги маданият ва истироҳат боғлари яна биттага кўпаймоқда. Уйлаймики, янги замонавий боғ эзгулик, яхшилик йўлида хизмат қилиб, халқимизнинг маданий-маърифий дам олиш билан бирга маънавий юксалишини ҳам таъминлайди. Ёшларимизнинг онг ва тафаккурини теранлаштиришда, соғлом ва баркамол бўлиб камолга етишида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, элимизнинг тинч, осуда фароғатли, саодатли ва бахтли ҳаёт кечирishi, мароқли дам олишида бу каби масканлар муҳим аҳамият касб этади. Бу мўъжазгина боғ тез орада маънавият гулшани, маърифат бўstonи ва инсонлар яйраб ҳордиқ чиқарадиган гўзал бир масканга айланиб, албатта халқимизга ажойиб бир тўхфа бўлади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ: ФУҚАРОЛАР УЧУН ИМТИЁЗ ВА МАСЪУЛИЯТ

Миллий матбуот марказида Давлат солиқ кўмитаси масъул вакиллари аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш, томорқа ва ер участкаларидан самарали фойдаланиши борасида солиқ тизимидagi ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Давлат солиқ кўмитаси раиси ўринбосари Э.Гадоев Ўзбекистон солиқ сиёсатида тўб ислохотлар даври бошлангани, бунда асосий эътибор фуқаролар, тadbиркорлар учун солиқ юкни камайтириш, солиқ тўлашнинг соддаштирилган тизимини яратишга қаратилганини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислох қилиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бугун кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган.

Матбуот анжуманида жисмоний шахслар томонидан даромад солигини тўлаш тизимидagi талаблар ва янгиликлар ҳақида гапирилди.

Маълумки, жисмоний шахслар ўз даромади бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги солиқ хизмати органига ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмай тақдим этиши лозим. Декларация асосида ҳисоблаб чиқилган даромад солиғи 1 июндан кечиктирмай тўланади. Бунда мол-мулкни ижарага бериш орқали даромад олаётган фуқароларнинг солиқ тўлаш тартиби бироз фарқланади. Бу шахслар ижарадан даромад ола бошлаган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин 5 кунлик муддатда дастлабки декларацияни солиқ органига топшириши керак. Амалдаги солиқ қончилигига кўра, мол-мулкдан даромад олаётган жисмоний шахслар декларацияда кўрсатилган сумманинг 7,5 фоизи миқдорда солиқ тўлайди.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида Давлат солиқ кўмитасининг www.ty.soliq.uz электрон солиқ хизматлари порталидagi “Электрон солиқ декларациялари” давлат интерактив хизмати йўлга қўйил-

ган. Бу хизматдан фойдаланиш учун фуқаро электрон имзога эга бўлиши керак. Ҳозирча электрон имзога эга жисмоний шахслар кўп эмас. Мутахассислар жисмоний шахслар асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан унинг арзасига кўра солиқ энг юқори ставка асосида ушлаб қолинган бўлса, декларация тақдим этилмаслигини айтиб ўтди.

Якка тартибдаги тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга солиқ имтиёзлари жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги қарори билан ҳусусий тadbиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган 81 фаолият тури тасдиқланган. Ёшлар касб-ҳунар коллежларини битиргандан сўнг 12 ой ичида якка тартибдаги тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган кундан эътиборан 6 ой муддат қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади. 2017 йилда 20 мингга яқин касб-ҳунар коллежи битирувчиси якка тартибдаги тadbиркор сифатида рўйхатдан ўтган. Улар юқорида айтилган солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

Фуқаролар ўз томорқа ва ер участкаларидан унумли фойдаланса, солиқ имтиёзига эга бўлади. Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ ҳуусасига кўра, томорқадан мақсадли фойдаланмаган ер эгасига нисбатан ер солигининг 3 баробари миқдори кўлланилади.

Уллубек АСРОПОВ

ТАЛАБАЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиалларида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Мамлакатимизда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат бошқаруви идоралари фаолиятига “Электрон ҳукумат” лойиҳаларини ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий қилиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу вазибаларни амалга оширишда ах-

борот-коммуникация технологиялари соҳасида етук билимли ва уни ўз иш фаолиятида қўллаётган мутахассисларнинг ўрни катта.

Меҳнат ярмаркасида университетнинг 2,6 минг нафар бакалаврият ва магистр битирувчиси иштирок этди. Соҳадаги иш берувчи корхона ва ташкилотлар, давлат ва

хўжалик бошқаруви органларининг 130 дан зиёд корхона ва ташкилотлари 1000 дан зиёд иш ўринлари билан қатнашди.

Талабаларнинг, айниқса, мобил операторлари, божиона, солиқ соҳаларидаги корхона ва ташкилотларга қизиқиши юқори бўлди.

Инобат АХАТОВА

риятлари замонавий таҳлил усулларида таҳлил лаборатория усуулари билан таъминланди. Бу таҳлиш қўйишга кетадиган вақтни қисқартириб, тезкорликни оширмоқда.

Матбуот анжуманида ҳайвонлар ва чорва молларида олиб борилган турли касалликларга қарши эмлаш тadbирлари ҳақида маълумот берилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида 29 миллион бош чорва молли 8 турдаги ва 65 миллион бош парранда 4 турдаги касалликка қарши профилактика эмланган.

Мамлакатимизга кириб келган ҳамда транзит орқали ўтаётган 55 мингдан ортқ автомашина ва 2,8 мингга яқин темир йул вағони дезинфекция ишловидан ўтказилиб, зарарсизлантирилди.

Озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида лаборатория текширувлари натижасида истеъмолга яроқсиз деб топилган 122 тонна гўшт, 147 тонна сўт маҳсулотлари ва 2 миллион 200 миң дондан ортқ тухум ўрнатилган тартибда зарарсизлантирилди.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

Ҳозирги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-ҳуқуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чиқиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисобот бермоқдалар.

Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётини муаммолари ўрганилиб, уларни қонуний асосда халқ қилиш учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар, депутат ва сенаторларнинг тугган ўрни ва масъулияти нақадар бекиёс эканлиги, ушбу жараёнда уларнинг роли қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги илғор қарашлар ва ғоялар белгилаб берилмоқда.

Юртбошимизнинг ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини назорат қилишда Президентнинг асосий кўмакчилари албатта депутат ва сенаторлар бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари эътиборга моликдир.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари депутат бўлиш шараф эканлигини, бу ҳар кимга ҳам насиб этмаслигини, депутат — фикри-зиқри эитиб халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг эътиборидagi эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Учтепа туманида жойлашган “Богичиор” ва “Нисабарик” маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи фуқароларимиз эртанги кунга янада қатъий ишонч билан янги ва ҳаётий ғоялар рўёби йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунда дунё ахли ҳам тан олаётганидек, ҳеч бир давлат ислохотларга Ўзбекистон каби шиддатли тус бера олмаган. Энг муҳими, бундай тарихий жараён бутун халқимизнинг оруз-умидлари, хоҳиш-истакларига мос эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.

Мазкур маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар билан мулоқот натижасида юзага чиққан муаммо ва долзарб масалаларни қисқа фурсатларда халқ эъти, аниқ амалий натижаларга эришиш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланиб бормоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган бежиз эмас.

А.ЯКУБОВ,
Халқ депутатлари Учтепа тумани
Кенгаши депутати

МАСЪУЛИЯТ БАРАКА КЕЛТИРАДИ

Ижтимоий ҳаётда ҳар биримиз истеъмолчимиз. Албатта ўз-ўзиндан истеъмол қилинган, фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим.

Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам бунга амал қилаётгани йўқ, фуқароларимизнинг ҳар учтадан иккитасида коммунал тўловлардан қардорликлар сурналки давом этаётгани орқали муаммодир.

Ана шу муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини сўзсиз таъминлашни, ижро ишени олиб боришда сансалорлик ва сунистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўймаслик, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланishларга нисбатан кескин чоралар кўриш, энг асосийси, энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш ҳамда истеъмолчиларнинг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида Президентимизнинг тегишли фармонига кўра Бош прокуратура ҳузурида Мажибурий ижро бюроси ташкил этилганидан фуқароларимиз яхши хабардир.

Мажибурий ижро бюроси ташкил этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг электр энергияси ва табиий газдан бўлган дебиторлик қардорликларини сезиларли даражада камайтиришга эришилди.

Хусусан, бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва қўйи бўлимлари томонидан 2017 йил якунлари бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг 72,7 фоизининг ижроси таъминланган. Давлат фойдасига ундирувлар бўйича 85,3 фоизга, юридик шахслардан солиқ қарзларни ундириш 84,9 фоизга, жисмоний шахслардан эса 85,5 фоизга ижроси таъминланган.

Шунингдек, жинорий жарималарни ундириш 64,8 фоиз, жиноят натижасида етказилган зарарларни ундириш 72,2 фоизга, маъмурий жарималарни ундириш бўйича 47,3 фоизга ҳужжатлар ижроси таъминланган.

Энергия ресурслари ундируви ва тармоқларга ноқонуний уланish, талон-тарож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Бюро ташкил топгандан буён табиий газ бўйича жами 337,2 млрд сўм, электр энергияси бўйича жами 727,7 млрд сўм маблағлар ундирилган.

Ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширмаганлик ҳамда ноқонуний тармоққа уланish ва энергия ресурсларини талон-тарож қилганлиги учун 4.302 та юридик ва жисмоний шахслар электр энергияси, 4.324 та юридик ва жисмоний шахслар табиий газ тармоқидан узилган.

Истеъмол қилинган табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузган 376 та, электр энергияси бўйича 466 нафар истеъмолчилар маъмурий жавобгарликка тортилган.

Ўрни келганда шунини таъкидлаш керакки, ишлатилган газ ёки электр энергиясининг ҳақини тўламайди, қорин очган пайти оқват еб, пулни тўлашдан бўйин товланган ҳурданни эслатади. Ваҳоланки, бу инсонийликка ҳос бўлмаган ҳаракатдир. Ахир, газ ва электр энергияси тўловларидан тўшган маблағ халқимизнинг фаровонлиги йўлида сарфланади. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун бу пулларнинг ўз вақтида тўланиши жуда муҳимдир. Шундай экан тўловларни тўлашга масъулият ва виждонан ёндашайлик.

Н.АРИПОВ,
Мажибурий ижро бюроси
Тошкент шаҳар бошқармаси
Ташкилий-назорат ва таҳлил
бўлими катта инспектори



ЁШ ИХТИРОЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ

Сергели туманидаги “Yoshlar sport city” мажмуасида “Ёшларнинг инновацион ғоялари ва технологияларини қўллаб-қувватлаш ярмаркаси” бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон Республикаси” акциядорлик жамияти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган 100 га яқин ёшлар ўзларининг инновацион ғоялари, технологиялари ва лойиҳаларини намойиш этишди.

Кўргазмада намойиш этилган электромобиллар, дронлар, роботлар, суғориш тизимлари, кўзи оқизларнинг ҳаракатланишида ёрдам берувчи сезувчан ҳасса каби қатор инновацион технологиялар барчада бирдек қизиқиш уйғотди. Жумладан, Исрол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг 2-курс талабалари А.Саидов, Т.Туропов ва Т.Боборайимовнинг “Робот деҳқон” деб номланган лойиҳаси эътиборга молик.

— Биз намойиш этаётган технология уруғларни экиш, парваришлаш, намликни аниқлаш ва суғориш ишларини автоматик тарзда бажаради, — дейди Т.Туропов. — Бу қурилма асосан иссиқхоналар учун мўлжалланган бўлиб, кейинчалик мукамаллаштирилса катта майдонларда ҳам қўлласса бўлади. Ҳозирда уни қўл телефони орқали бошқариш имкониятларини яратиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Мазкур ярмаркани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг илмий тadbир ва инновацион фаолиятини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларнинг янги, рақобатбардор инновацион ғояларини ҳаётга тadbир этишдан иборат. Шунингдек, бу тadbир корхоналар, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тadbир доирасида “Ўзбекистон Республикаси” АЖга қарашли янги “Yoshlar sport city” спорт мажмуасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ушбу мажмуада ёшларнинг мини футбол, теннис, волейбол, баскетбол, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланиши учун барча имкониятлар яратилган.

Абдували СОДИКОВ

Миллий матбуот марказида мамлакатимизда ветеринария соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва галдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа фаолиятини софат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга мустаҳкам замин яратди.

Давлат ветеринария кўмитаси ташкил этилгандан буён ўтган даврда бир қатор чора-тadbирлар амалга оширилди. Хусусан, 20 га яқин ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва мезьёрлари янгидан ишлаб чиқилди. 30 дан ортқ турли касалликларга қарши курашиш бўйича йўриқномаларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Ветеринария хизматини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланди. Дори воситаларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қадоклаш, ёриқлаш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш ва уларнинг йўқотилишида

ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИ РИВОЖЛАНМОҚДА

хавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар белгиланди.

Соҳада халқаро ҳамкорлик кенг йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Халқаро эпизоотик бюро ўртасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Шунингдек, АҚШнинг “Биология соҳасидаги ҳамкорлик” дастури доирасида Бухоро ва Хоразм вилоятларида энг замонавий усунуналар билан жиҳозланган ҳудудий диагностика лабораториялари ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди.

Жойларда эпизоотик мониторинг ишлари самарасини янада оширишда ҳудудий

ветеринария бошқармаларининг 6 та эпизоотик кўмак берувчи пункти ташкил этилиб, жиҳозлар ва автотранспорт воситалари билан таъминланди.

— Аҳолига ветеринария сервис хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини янада ошириш борасида аҳоли тарқоқ жойлашган ҳудудлардаги ветеринария участкаларига 190 та мотортранспорт, 220 та велосипед, 500 та пуркағи, 400 та термосумкалар, 240 та дўзар идишлари етказиб берилди, — дейди Давлат ветеринария кўмитаси раиси ўринбосари Аббос Акбаров. — Шунингдек, ветеринария-санитария экспертиза ҳамда ветеринария лаборато-



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ДУНЁ ТЎПЛАМЛАРИДА

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида 2018" лойиҳаси доирасида "Йўл харитаси" халқаро форуми бўлиб ўтди.

Президентимизнинг илм-фан ва маданият соҳасидаги ташаббуслари кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортмоқда. Ўзбекистоннинг маданий меросини сақлаб қолиш ва кўпайтириш масалалари бўйича маҳаллий илмий ходимлар ва хорижий мутахассислар жалб этилган. "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" лойиҳаси ушбу соҳадаги ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Мазкур лойиҳа дунё музейларида сақланган Ўзбекистон маданий мероси ҳақида мамлакат аҳолиси, хусусан, ёшлар билан кенг жамоатчиликни ўзбек халқининг бебаҳо маънавий бойлиги билан таништириш, ўзбек заминидан дунёга келган буюк олимларнинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, дунё музейларида сақланган Ўзбекистон маданий мероси коллекцияларининг тўлиқ маълумот базасини яратиш имконини беради.

Лойиҳа доирасида 2017 йилда катта ишлар амалга оширилди. Чет эл музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланган артефактлар ҳақида маълумотлар тўплаш учун 30 дан ортиқ илмий сафарлар ташкил этилди. Россия Федерациясида сақланган мамлакатимиз моддий ва бадий маданиятининг хотирасига бағишланган 10 та китоб-альбом чоп этилди. Мазкур ишни амалга оширишда турли мамлакатлардан 50 дан ортиқ олимлар қатнашди.

Россия Фанлар академиясининг Шарқ қўлёзмалари институти коллекциясидан "Катталангар Курьони", "Хусайн Бойқаро Девони", "Темурагузулари", "Равзат-ас-Сафо", "Мерожнома" каби ўрта асрларга тегишли қўлёзмаларининг бешта ягона нусхалари кўчирилиб, давлат таъшиқотларига тўхта қилинди.

2018 йилга мўлжалланган режалар янада уқдан ва кенг миқёсдадир. Лойиҳа раҳбарияти томонидан берилган маълумотларга қўра, Ўзбекистонда, шу жумладан Буюк Британия, Германия, Россия, АҚШ, Туркия, Чехия, Франция ва Япония музейларида сақланган маданий қадриятларимиз ҳақидаги 20 та китоб альбомни нашр қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг хорижий музейларида сақланган тарихий-маданий мероси ҳақида 20 та фильм суратга олинди. Шу жумладан Шарқ алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақидаги 5 та фильм хориж студиялари билан ҳамкорликда яратилди.

Алишер Навоий, Абу Али ибн Синонинг Британия, Франция, Россия миллий кутубхоналари ва дунёнинг турли музейларида сақланган қўлёзмалари Босфор-Босфор рақамлаштирилди, уларнинг факсимил нусхалари яратилди. Маҳаллий ва чет эллик олимлар иштирокida хориж музейларида сақланган "Ўзбекистон маданий мероси ҳақидаги илмий мақолалар тайёрланмоқда."

2018 йилнинг 8-июн кунлари Санкт-Петербургда "Ўзбекистон маданий мероси халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги кўприк" медиа лойиҳасининг Иккинчи халқаро конгресси ўз ишчи бошлайди. Унда 40 та мамлакатнинг 300 нафардан ортиқ олим ва тадқиқотчилари иштирок этади.

Ўзбекистоннинг чет эл элчоналарида, мазкур мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик вазокатхоналарида, Ўзбекистон маданий меросининг дунё музейларида тўпламга бағишланган давра сўхбатлари ва альбомларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" медиа лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирларда 10 мингта совға-китоблар оммавий ахборот воситаларининг танқиқи ва қиллирга, хорижий ва миллий кутубхоналарга, таълим муассасаларига, олимлар ва тадқиқотчиларга, мамлакатга келган хорижий делегация аъзоларига совға қилинади.

Бундан ташқари, ўзбек маданиятининг жаҳон маданияти тўпламларида сақланган бебаҳо ёзма ёдгорликларининг 200 та факсимил нусхаси илмий-тадқиқот марказларига, миллий музейларга, хорижий делегация вакилларига тақдим этилиши кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа доирасида суратга олинган видеофильмлар маҳаллий ва хорижий телеканалларда эфирга узатилади.

(Ўз муҳбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CHIRCHIQ TAXI" МЧЖга
(ИНН 303810445) тегишли бўлган лицензия варақалари автотранспорт воситаларининг эгалари томонидан шартнома шартлари бузилганлиги ва йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Лицензия варақаси	Русуми	Давлат рақам белгиси
AT № 2139538	ЗИЛ 138 А	01 W 718 MA
AT № 2139871	MERCEDES BENZ	01 L 296 YA
AT № 2050956	ЗИЛ 130 Г	10 N 144 AA

Тошкент шаҳри, Ултепа тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 29.07.2016 йилда № 008126-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "HI-TECH MEBEL GROUP" МЧК (ИНН 304201008) таъсисчилиги 30.03.2018 йилдаги № 1 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давтовлар эълон чиққан кундан бошлаб 3 ой мuddат ичида Ултепа тумани, 22-мавзе, 25-уй, 29-хонадонда қабул қилинади. Тел: +99894 646-00-88.

Тошкент тумани иқтисодий судининг 27.03.2018 йилдаги 4-1001-1820/6665-сонли қарорига асосан "Evgeniy press service" МЧЖ муассисчилигидаги "Хорошее строение" газетасининг 02-00164 гувоҳномасининг амал қилиши

ТУГАТИЛАДИ

Тошкент педагогика коллежи томонидан 2007 йилда Акбарова Динара Равшанхановна номига берилган К № 722567 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яшнобод тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Яшнобод тумани, Ависозлар 4-дахиси, 1-уй, 73-хонадон учун Ахметов Шохрух Тогойилович ўғли номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яқкасарой тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Яқкасарой тумани, Андижон 1-тор қўчаси, 21"Б"-ушун Мирдодов Мирқарим номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎзГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 3 апрель кунини ҳаво ўзариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган. Фардан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 21-23 даража иссиқ бўлади. Ўзгирматининг моштинорини хазматини маълумотига қўра, 3 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шартини шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир о тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Футбол янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАЛАРИМИЗ УЧУН МУҲИМ БАҲСЛАР

Юртимизда футболни янада ривожлантириш учун ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад мамлакатимиздаги профессионал клублар савиясини янада ошириш, халқаро турнирларда клубларимиз ҳамда турли тоифадаги терма жамоаларимизнинг муваффақиятли иштирок этишларини таъминлашдир.

Маълумки, жорий йилда Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини Ўзбекистон олимпия терма жамоамиз ҳимоя қилади. Ушбу нуфузли турнирда Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталаридан таркиб топган олимпия терма жамоамизнинг муваффақият қозониши мақсадида Андижон ва Фарғонада олимпия терма жамоамизнинг Кения терма жамоаси билан 2 та назорат-ўртоқлик учрашувлари ташкил этилди. Андижонда бўлиб ўтган дастлабки баҳсда 1:2 ҳисобида ҳамюртларимиз

имкониятни бой бериб қўйишган бўлса, Фарғонада бўлиб ўтган иккинчи беллашувда 1:0 ҳисобида зафар кучишди. Шиддатли ва кескин курашлар остида кечган ўйинда Достон Турсунов томонидан Африка қитъаси вакиллари дарвозасига киритилган ягона гол ҳамюртларимизга галаба келтирди.

Марокашнинг Касабланка шаҳрида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳамда 2018 йилда Россияда уюштирилган жаҳон чемпионати иштирокчиси Сенегал терма жамоаси ўртасида ташкиллаштирилган назорат-ўртоқлик баҳси мутахассислару мухлислару оила таассурот қолдирди. Сабаби миллий терма жамоамиз аъзолари номдор рақибларига қарши муносиб ўйнашди. Қизилқарми кечган учрашув 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Рақиблар дарвозасига голни пенальтидан Отабек Шуқуров киритди. Сенегал терма жамоаси Россияда бўладиган жаҳон чемпионати гуруҳ босқичида Польша, Япония, Колумбия терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Шунингдек, Россияда уюштирилган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган мезбонлар — Марокаш терма жамоасига қарши бўлиб ўтган ўртоқлик баҳси миллий терма жамоамиз аъзолари учун жуда фойдали кечди. Чунки мезбонлар Сенегалдан кўра кучли терма жамоа сифатида ҳамюртларимиздан ўйин бобида устунлик қилишди ва якунда 2:0 ҳисобида зафар кучишди. Айтиш жоизки, шу кунги терма жамоамизда асосан умидли ёш футболчиларга имконият берилди. Бу улар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ўйинда айтиш жоизки, миллий терма жамоамиз мана шундай ўртоқлик ўйинларини кўпроқ ўтказиши керак. Чунки ўртоқлик баҳсларида ўзидан кучис бўлган терма жамоаларни мағлуб этиб, халқчилуви халқаро учрашувларда рақибларга имкониятни бой бергандан кўра, кучли, тезкор терма жамоалар билан норасмий беллашувларда енгилган тақдирда ҳам футболчиларнинг савиясини ошириш, уларнинг бир-бирларини тезкор тушунишлари, турли тактикаларини, комбинацияларини ўзлаштиришлари имкон бериш зарур. Шунда албатта келгусида Ўзбекистон терма жамоаси ҳам жаҳон чемпионатида қатнашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқдаки бу ўз навбатида ҳамюртларимизни қувонтирмоқда.

Яқинда Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Республика Бошқаруви, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамда тармоқ қасаба уюшмаси ҳамкорлигида Хоразм вилоятининг Хива шаҳрига сафар уюштирилди. Ўттиз кишидан иборат сайёҳлар гуруҳида эл эъзозидagi олимлардан — физика-математика фанлари номзоди Мукаррам Мухитдинов, филология фанлари номзоди Шухрат Усмонов, Куролли Қучлар фахрийси, шоир Искандар Раҳмон, меҳнат фахрийларидан — Ҳожиакбар Расулов, Искандар Ҳайитов, Турали Уразбоев ҳамда ҳожи ота ва ҳожи оналар республикамизнинг бой тарихий обидаларини зиёрат қилиш имконига эга бўлишди. Улар сафида Наврўзи олам шодиёналарини қўна ва нақирон Хоразм тупроғида қаршилаш менга ҳам насиб этганидан беҳад мамнун бўлдим.

Хамда Исфандиёрхон саройи каби тарихий қадамжоларни бориб кўриб, мириқиб томоша қилдик. Хоразмда илк бор суратга олиш ва ҳужжатли фильм ишлаш йўлга қўйган Худойберган Девоннов ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Еш бўлишига қарамай, билимдон, ўз юрти тарихини яхши билган Райхон қизимиз бизга Хивадаги тарихий обидалар, хонлар саройидаги турли-туман қурилишлар, у ерда кечган турмуш тарзи ҳақида қизилқарми ҳамда батафсил маълумотларни берди.

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган хотин-қизлар жазони ижро этиш муассасида Наврўз байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Наҳиддинова муассасадagi барча аёлларни Наврўз байрами билан табриқлаб, юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилганини таъкидлади. Айниқса, бутунги кунда оғир шароитга тушиб қолган аёллар билан манзилли ишлар ташкил қилинаётгани, ногиронлиги бор, ижтимоий ғимояга муҳтож аёлларга қўрсатилган эътибор ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Раъно Ярашева, Хосият Хусанова, Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холиқова, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси Омилла Орипова ва бошқаруш маҳкума аёлларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш, уларга берилаётган енгилликлар тўғрисида сўзлашди.

Айтиш жоизки, тақдир тақозоси билан бил-билмай жиноят содир этган хотин-қизлар ушбу муассасага келиб қолишган. Уларнинг юз-кўзларида пушаймонлик аломатлари намойён. Еш қиз, жувоналарнинг турли жиноятларни содир этганига ачинасан, киши.

УСТОМОНЛАРИНИНГ РЕЖАСИ АМАЛГА ОШМАДИ

Хом ашё ниқоби остида 7,3 млрд. сўмлик товарларни олиб киришга уринганлар фoш қилинди

Амалдаги тартибларга қўра, республика ҳудудида қалбақлаштирилган махсусотлар ва товарларни ноқонуний олиб киришга чек қўйиш мақсадида боқжона чегараси орқали товарларни олиб киритган ку ташувишлар чегарани кешиб ўтган жойидаги боқжона органларига ўтказилаётган товарлар тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан уларнинг номи, миқдори, вазни ва юқлар қилма-ти ҳақидаги маълумотни тақдим этишлари шарт.

Мен 1967 йилда Туркманистонда туғилганман, — дейди маҳкума Гуландон Самандарова. — Бундан икки йил аввал Ўзбекистон Республикаси Жиноят Қодексининг 182, 243, 160-моддалари билан 13 йил озодликдан маҳрум этилдим. Қилган жиноятимдан қаттиқ пушаймонман. Халқимдан, Президентимдан кечирим сўрайман. Биз маҳкума аёлларга қилинаётган ғамхўрликдан мамнунман. Иккита ўғлим, бир қизим бор. Улар ҳозир олий ўқув юртида ўқинмоқда. Озодликка чиқсам қайтиб жиноят содир этмасликка сўз бераман.

Айтиш жоизки, тақдир тақозоси билан бил-билмай жиноят содир этган хотин-қизлар ушбу муассасага келиб қолишган. Уларнинг юз-кўзларида пушаймонлик аломатлари намойён. Еш қиз, жувоналарнинг турли жиноятларни содир этганига ачинасан, киши.

Тадбирда Наврўз ва она-Ватанини мадҳ этувичи куй-қўшиқлар янгради. Ташкилотчилар томонидан олиб борилган янги китоблар муассаса кутубхонасига совға қилинди.

З.ШАРИФҶОНОВ

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 9804 нусхада босилди. Қўра бичими А-2

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахоҳаси, Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ